



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2009 йил, 31 март, СЕШАНБА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 64 (11.375)

Баҳоси эркин нарҳда

XXI АСР САДОСИ
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН
СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси ташаббуси билан Сурхондарё вилоятининг Термиз ва Денов туманларида «Қишлоқ аҳолисига ҳуқуқий ёрдам кўрсатишни янада яхшилаш масалалари: ҳуқуқий асослар ва тажриба» мавзuida семинарлар ташкил этилди. У Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили муносабати билан қабул қилинган тадбирлар дастурини амалиётга татбиқ этиш ва қишлоқ аҳолисига ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ишларини юксак савияда ташкил қилиш масалаларига бағишланди.

● Андижон вилояти «Келажак овози» ёшлар ташаббуслар маркази саъй-ҳаракатлари билан вилоятда «Spash club» номли хорижий тилларни ўргатувчи марказ иш бошлади. Бугунги кунда ушбу марказда ёшлар инглиз, рус, испан ва турк тиллари бўйича сабоқ олишмоқда.

● Ромитан туманининг Чилонғу қишлоғида педагогика коллежи янгида қуриб фойдаланишга топширилди. Ҳозирда бўлажак ёш мутахассислар коллежда ўқиш ва амалий машғулотларни ўтказишни бошлаб юбордилар. 2 миллиард 414 миллион сўмлик лойиҳа-смета қийматига эга, 795 ўқувчиға мўлжалланган ушбу билим масканини «Бухороқурилиш» акциядорлик жамиятининг 9-қурилиш-монтаж фирмаси жамоаси бунёд этди.

● Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги муассислигида ахборот-кутубхона технологияларига бағишланган «Kutubhona.uz» илмий-амалий журнаlining илк сони нашрдан чиқди.

● Норин туманидаги Ҳаққулобод йигирув-тўқув фабрикаси қошида ташкил этилган «Кланатекстиль» Ўзбекистон—АҚШ корхонасининг биринчи навбати ишга тушди. Бу ерда йилига 1800 тонна экспортбоп калава ип ишлаб чиқариш имконияти яратилган. Ҳозирда корхонанинг иккинчи навбати қурилиш-монтаж ишлари давом эттирилмоқда.

● Самарқандда Ўқувчи-ёшлар техник ижодиёт маркази ва Болалар жамғармаси вилоят бўлими томонидан «Ижодкор иختирочи» кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди. Ҳалилар танловнинг республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

● Яшариш ва янгиланиш рамзи — Наврўз байрами муносабати билан Сурхондарё вилоятидаги 30 та оилага бепул қорамол тарқатилди. Ушбу эзгу ишга Ўзбекистон касабачи уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳомийлик қилди.

ЖАҲОНДА

● Венесуэла Президенти Уго Чавес янги халқаро заҳира валютасини татбиқ этиш тўғрисидаги Хитой ва Россия тақлифини қўллаб-қувватлади.

● АҚШ Афғонистон наркотрафигига қарши курашни кучайтирмоқда.

● АҚШнинг Шимолий Каролина штати Карфаген шаҳридаги хусусий тиббий марказлардан бири номаълум шахс томонидан ўққа тутилди. Мазкур хунрезлик оқибатида 6 киши ҳаётдан кўз юмган, уч киши тан жароҳати олган. Ҳозирда мазкур жиноятни амалга оширганликда гумон билан бир киши ҳибсга олинди. Унинг бундай қабиҳликка нима сабабдан қўл ургани номаълум. Қидирув ишлари давом этмоқда.

● Кеча Нью-Йорк товар биржасида ўтказилган савдоларга бир баррел нефтнинг нархи 48,41 долларга тушди.

● Японияда саноат ишлаб чиқариши ҳажми февраль ойида январь ойига қараганда 9,4 фоизга пасайди.

● Германиялик машҳур жарроҳ Билл Хилд Москвада ўз услуби бўйича тўғри ичак раки бўйича ўта мураккаб операцияни муваффақиятли тарзда амалга оширди.

● Кот-д'Ивуар пойтахти Абиджон шаҳридаги марказий стадионга кириш жойида юзага келган тирбандлик туфайли 22 нафар футбол иштирокида ҳаётдан кўз юмди, 130 нафари эса турли даражадаги тан жароҳати олди. Шунга қарамай жаҳон чемпионатида ўтказилган саралаш учрашуви беқор қилинмади.

● Халқаро ҳаво транспорти ассоциациялари ташкилоти маълумотиға кўра, жорий йилнинг февраль ойида дунёдаги авиакомпанияларнинг йўловчи ташиш ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 10,1 фоизга қисқарган. Ташкилотнинг ҳисоб-китобларига қараганда, жорий йилда жаҳон бўйича авиакомпаниялар кўрайдиган иқтисодий зарар миқдори 4,7 миллиард АҚШ долларини ташкил этиши мумкин.

● АҚШнинг NASA тадқиқотчилари Марс сайёрасидан метан газини топишди ва бу воқелик сайёрада геологик ҳамда биологик жараёнларнинг давом этаётганидан далолат беради. Ушбу янгилик қизил сайёрада ҳаёт бўлиши мумкинлиги ҳақидаги тахминларға яна жон қиритди.

● Швейцариядаги хусусий банклар хорижлик мижозларнинг банк сирларини маълум қилган топ-менежерларнинг мамлакат ҳудудидан ташқарига чиқишини тақиқлаб, шу йўл билан уларнинг хавфсизлиги таъминланишини маълум қилди.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КҮНИ

Янгиликлар, воқеалар

«Ташаббус — 2009»

РАҒБАТ МАЙДОНИДА БЕЛЛАШИШМОҚДА

Шаҳримиздаги салобатли Маданият ва санъат кўргазма залига йилгилан иштирокчилар ва томошабинлар эрта тонгдан қарнай-сурнай жаранги ва шўх мусиқа садолари остида қарши олинди. Президентимиз ташаббуслари билан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган ва ҳар йили голибларни эл-юрт олқишига сазовор этаётган, изланишга, ташаббус кўрсатишга ундаётган кўрик-танловни Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси вазифининг бажарувчи Боймурод Улашов очиб, якуний босқичга етиб келиш шарафига эга бўлган иштирокчиларни чин дилдан қутлади ва уларнинг барчасига омад тиллади. Шунингдек, мазкур кўрик-тан-



ловнинг туман, вилоят (шаҳар) босқичларида 7 мингдан зиёд тадбиркор, фермер ва хунармандлар ўз маҳорат ҳамда изланишларини ёрқин намойён этганлиги, голиблик учун кураш осон кечмаганлиги, сараларнинг энг саралари муваффақиятга эришганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Албатта, жойларда ўтказилган кўрик-танловда хайрат аъзолари иштирокчиларға ҳолисона баҳо беришди, улар фаолиятининг мамлакатимиз иқтисодиёти самарадорлигини таъминлашдаги ҳиссасига, эл-юрт

фаровонлиги йўлидаги улушига асосий эътиборни қаратишди. Шунга алоҳида таъкидлаш лозимки, бу йилги бизнес-марафон бир ой давом этди. Дастлабки босқичларнинг энг лойиқ ва омадли иштирокчилари «Ташаббус — 2009»нинг республика босқичи лауреатлигига сазовор бўлишди. Тадбирнинг очилиш маросимида 41 нафар голибларға лауреатлик дипломлари олқишлар остида топширилди.

(Давоми 2-бетда).

Касба сатрларда

● **КЕЧА** пойтахтимизда Ўзбекистон ва Уммон мамлакатлари ўртасида икки томонлама савдо-иқтисодий соҳадаги ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларига бағишлаб ишбилармонлар иштирокида бизнес-форум уюштирилди.

● **КЕЧА** пойтахтимизда Ўзбекистон ва Уммон мамлакатлари ўртасида икки томонлама савдо-иқтисодий соҳадаги ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларига бағишлаб ишбилармонлар иштирокида бизнес-форум уюштирилди.

● **КЕЧА** Мирзо Улуғбек туманидаги «Алпомиш» маҳалласида яшариш, янгиланиш айёми Наврўзи олам муносабати билан уюштирилган байрам тадбирида маҳалла фаоллари, кам таъминланган оилалар

аъзолари ва ёшлар иштирок этишди.

● **КЕЧА** Ўзбекистон Амалий санъат музейида ташкил этилган фоторассом Влад Орловнинг асарлари кўргазмаси «Тоғлик Олтой нафаси» деб номланди.

● **АКЦИЯДОРЛИК** тижорат «Асака» банкида банк ходимлари иштирокида ўтказилган тадбирда банк тизимида амалга оширилаётган иқтисодий жараёнларни жадаллаштириш мақсадида мижозлар учун янги омонат турлари яратилаётганлиги, олий ўқув юртлири қошида «Асака» банкнинг кассалари ташкил этилаётганлиги таъкидлаб ўтилди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎН САККИЗИНЧИ ЯППИ МАЖЛИСИ Тўғрисида АХБОРОТ

28 март кунин Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн саккизинчи яппи мажлиси ўз ишини давом эттирди.

Парламент юқори палатаси аъзолари яппи мажлисининг иккинчи кунини «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмининг молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқишдан бошладилар. Сенаторлар томонидан эътироф этилгандек, Қонун нормалари жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмининг молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги муносабатларни ҳозирги тамойилларни ҳисобга олган ҳолда тартибга солиди. Киритилган ўзгартиш ҳамда қўшимчалар жиноий йўл билан топишган даромадларни қонуний тус бериб «қаллоблар олиш»га ва терроризмининг молиялаштиришга қарши курашиш миллий тизимининг самарадорлиги ҳамда амалий йўналишдаги ҳаракатчанлигини оширишга, мазкур тизим шу соҳадаги умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқий нормалар ҳамда стандартларға янада тўлиқроқ мувофиқлаштирилишини таъминлашға йўналтирилган. Айни бир вақтда киритилаётган ўзгартишлар қонун ҳужжатларини молиявий операциялар амалга оширилаётган тадбиркорлик субъектларининг манфаатлари ишончли тарзда муҳофаза этилишини таъминлайдиган тарзда янада либераллаштириш учун шароитлар яратди. Қонунни сенаторлар маъқуладилар.

Шундан кейин сенаторлар «Ўзбекистон Республикаси ва Япония ўртасида инвестицияларни либераллаштириш, рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисидаги битимни

(Тошкент, 2008 йил 15 август) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар ҳамда маъқуладилар. Сўзға чиққан сенаторлар ушбу Қонунни қабул қилиш замирида 2008 йил 15 август кунин Тошкент шаҳрида имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Япония ўртасида инвестицияларни либераллаштириш, рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисидаги битимни ратификация қилиш мақсади мужассам эканлигини қайд этиб ўтдилар.

Ушбу халқаро Битим иккала мамлакат ўртасидаги иқтисодий муносабатларни инвестицияларни кўпайтириш учун барқарор, тенг ҳуқуқли ва очик-ошқора шароитлар яратиш йўли билан мустаҳкамлаш мақсадида имзоланган. Битимда бир Тараф бошқа Тарафининг инвесторларига ва инвестицияларига ўз инвесторларига ҳамда инвестицияларига яратиб берганидан қолишмайдиган қулай режими яратиб бериши назарда тутилмоқда.

Сўнгра Сенат аъзолари Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2008 йилда давлат бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат тузилмалари томонидан қонунларнинг ижро этилиши ҳолати тўғрисидаги ахборотини, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурининг Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг 2008 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вақилининг (омбудсманнинг) 2008 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ахборотни тингладилар.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

«АГРОБАНК» АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ Тўғрисида

Иқтисодиётнинг аграр секторини янада барқарор ривожлантириш, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни изчиллик билан чуқурлаштириб бориш, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, унинг моддий ва молиявий базасини мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчиларига қишлоқ хўжалик маҳсулотларини чуқур қайта ишловчи замонавий корхоналарни жадал барпо этиш, юқори сифатли, рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича замонавий технологиялар ва ускуналарни татбиқ қилиш ҳамда ички бозорни маҳаллий озик-овқат товарлари билан тўлдиринишға йўналтирилган кенг турдаги банк хизматларини кўрсатиш мақсадида:

1. «Пахтабанк» акциядорлик тижорат банки акциядорларининг уни «Агробанк» акциядорлик тижорат банки этиб қайта ташкил қилиш тўғрисидаги тақлифи қабул қилинсин.

Белгилансинки, «Агробанк» АТБ очик турдаги акциядорлик жамияти шаклида ташкил қилинади ҳамда мулк, молиявий ва бошқа мажбуриятлар бўйича, шунингдек, юридик ва жисмоний шахсларнинг пул маблағлари сақланиши ва ўз вақтида қайтарилишини кафолатловчи талаблар бўйича «Пахтабанк» АТБнинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

2. Куйидагилар «Агробанк» АТБнинг асосий вазибалари этиб белгилансин:

қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи фермер хўжалиқларига кредит бериш ва комплекс тарздаги банк хизматлари кўрсатиш;

қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчилари, барча мулкчилик шаклидаги корхоналар, шу жумладан пахта ва галла маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш, ташини ва сотишға иқтисослашган пахта тозалаш ва донни қайта ишлаш саноати корхоналарига кредит бериш ва молиялаштириш механизмларини изчил тақомиллаштириб бориш;

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

«ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ БАНК» АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ Тўғрисида

Қишлоқ қиёфасини ва қишлоқ аҳолисининг уй-жой шароитларини сифатли яхшилаш, қишлоқ жойларда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантириш, уй-жой қурилишини узок муддатли имтиёзли кредитлаш тизимини кенг жорий этиш мақсадида ҳамда тасдиқланган «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастуриға мувофиқ:

1. «Галла-банк» акциядорлик тижорат банки акциядорлари қарори ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Марказий банкнинг: «Галла-банк» акциядорлик тижорат банки негизида «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисидаги;

«Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик-тижорат банки устав капиталини 150 миллиард сўм миқдоридан шакллантириш, улушларини унинг акциядорлари орасида ило-ваға мувофиқ тақсимлаш тўғрисидаги тақлифларига розилик берилсин.

Белгилансинки, «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки очик акциядорлик жамияти шаклида ташкил этилади ҳамда мулк, молиявий ва бошқа мажбуриятлар, шунингдек, юридик ва жисмоний шахсларнинг пул маблағларини сақлаш ҳамда ўз вақтида қайтаришнинг кафолатловчи талаблар бўйича «Галла-банк» акциядорлик тижорат банкининг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

2. «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банкининг асосий вазибалари этиб куйидагилар белгилансин:

уй-жой-коммунал, ижтимоий соҳа ва қишлоқ аҳоли пунктларини ободонлаштириш борасидаги эътиёларни амалга оширишда аҳоли ҳамда юридик шахсларға кредит бериш ва банк хизмати кўрсатиш;

қишлоқ жойларда тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича уй-жойлар, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектларини қуриш ҳамда таъмирлашни, амалга оширадиган иқтисослаштирилган пудрат ташкилотларға кредит бериш ва лизинг хизматларини кўрсатиш;

янги, замонавий қурилиш материаллари ва конструкциялари ишлаб чиқарадиган, тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича қишлоқда объектлар қуришининг индустриал ва йиғма технологияларини жорий этадиган барча мулкчилик шаклидаги корхоналарға кредит бериш ва комплекс тарзда банк хизматларини кўрсатиш;

(Давоми 2-бетда).

НИГОҲЛАРДА — КЎРКАМ ЛИБОСЛАР

Миллий ва кўркам либослар инсонга ҳусн бағишлайди. Либос сўзи гўзал, чиройли кийим, безак сифатида талқин этилади. Яхши кийиниш ҳам ўзига хос санъат. Бу санъатни эгаллаш учун ҳар бир инсон мода талабларига риоя қилибгина қолмай, ўз эстетик дидини ҳам узлуксиз тарбиялаши керак, албатта. Яхши дид аввало орасталикда намойён бўлади. Орасталик эса озодалиқдир.

Бугунги кунда шаҳримиздаги барча олий ўқув юрларида шаҳар Хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишлаб ўтказилган маънавий-маърифий тадбирлар, кўрик-танловлар ҳам айнан худди шу мавзуга қаратилган бўлиб, «Нигохларда кўркам либослар», «Тошкентнинг ой қизиман» деб номланган. Яқинда Тошкент Педиатрия-тиббиёт институтида «Нигохларда кўркам либослар» мавзусида ўтказилган маънавий-маърифий тадбир ҳам нихоятда кизиқarli ва байрамона тус олди. Ранго-ранг шарлар ҳамда талабаларнинг ўз қўллари билан яратган турли хил кўрғазмалари тадбирга ўзгача фойда киритди. Тадбирнинг айнан Наврўз айёми кунлари ўтказилаётганлигида ҳам рамзий маъно бор. Негаки, айнан баҳорда табиат ҳам энг гўзал либосга бурканади.

Тадбирда Тошкент шаҳар Хотин-қизлар кўмитаси раиси ўринбосари С.Агаамходжаева, Тошкент Педиатрия тиббиёт институти хотин-қизлар кўмитаси раиси К.Турдиева сўзга чиқиб, кийиниш маданияти, миллий либосларимизнинг кўркамлиги ҳақида сўз юритиб, бугунги кунда маҳоратли дизайнерларимиз томонидан яратилаётган замонавий миллий либосларимиз уларнинг эғидида яна ҳам гўзал кўринишини таъкидлаб ўтишди. Шунингдек, кечда слайдлар орқали миллий либосларимиз тўпламлари намойиш этилди. Тадбирда кўркам либослар кўрсатиш бўлими аниқланди. Жумладан, 1-босқич талабалари Нодира Расулованинг яратган миллий либослар тўплами ёки Хуршидабегим Асадуллаеванинг

далайди.—дейди 1-босқич талабаси Нодира Расулова.— Кийим инсонга ҳусн бағишлайди. Мен бўлажак касбимга қизиқишим билан бирга мода дизайни соҳасига ҳам ихлосим банд. Мен яратган модлардан асосан миллий матолардан бўлиб, ўйламанки улар кизларимизнинг ҳуснига янада ҳусн қўшиши табиий. Истардимки, барча кизларимиз миллатимизга, менталитетимизга хос бўлган чиройли кийимларни кийсалар, чиройларига янада чирой қўшиларди.

Тадбирда талабалар томонидан ижро этилган миллий кўй-қўшиқлар, жозибали рақслар ҳамда «Келинлар кўзгони» спектаклидан саҳна кўринишлари кечага ўзгача кўтаринки руҳ бағишлади. — Мазкур тадбирни ўтказишдан асосий мақсад, — дейди Тошкент Педиатрия-тиббиёт институти хотин-қизлар кўмитаси раиси Кавсар Турдиева, — талаба-қизларнинг ахлоқий-маънавий турмуш тарзи, маданиятини ўстириш, ижодий, ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг миллий кадриятларимизга эътиборини қўяйтириш, ватанпарварлик, миллатпарварлик ҳиссларини уйғотиш, шу билан бирга кизиқиш ва интилишларини ўрганишдан иборат. Истардимки, мана шу сингари тадбирлар ёшлар ўртасида кўпроқ ўтказиб турилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Шунинг билан айтиш жоизки, бизнинг миллий кийимларимиз, ҳусусан дўппи, чопон, атлас, адрас кўйлак, пешонабоғ, дуррача



каби соф ўзбекона либосларимиз дунёнинг қай бурчагида бўлмасин, фақат ўзбекларга хос гўзаллик сифатида ҳар қандай халқнинг ҳавасини келтириб, ўзига маънавий қалади. Ҳуртимизга келган хорижий сайёҳларда ҳам ўзбекларнинг миллий кийимлари катта таассурот қолдирмоқда. Дилором ИКРОМОВА СУРАТЛАРДА: тадбирдан ҳайдаров Абдувоси Хайдаров олган суратлар



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ҲИКМАТЛАР

Ҳалолни-ҳалол, ҳаромни-ҳаром билишга ўрган. Душманга озор берма, аммо кўлингдан келса маҳв эт. Хорлик истасанг, хиёнатчи бўл. Бёманилардан ҳазар қил. Нодонни тирик санама. Сабрли бўл, муродингга етасан. Ўзлингнинг танишини буюк сармом бил. Ҳар бир ишда ҳамкор изла. Ўзлигини англашни буюк ҳислат бил. Донишингни хор қилма. Кам гапир, оз егину кам ухла.

Доно кўринган нодондан ҳазар қил. Илмда ҳаммадан камтар бўл. Ўрган ва ўзгаларга ўргатгин. Эшитмаган нарсанг ҳақида гапирма. Бировга ҳаддан ташқари танбеҳ ҳам берма, Бехудага мақтама ҳам. Қулоғинг билан эшитгину маҳкам тут. Рост гапир, ўзгаларнинг айбини қовлама. Сўрамасалар жавоб берма, айтмаган жойга борма.

Аввал ўйла, сўнг сўйла. Харид қилинмайдиган нарсани сотма. Олинмайдиган нарсани сотма. Калтак емайин десанг, бегуноҳга қўл кўтарма. Яхшилиқни жондан изла. Ўзгалар қалбини овламоқчи бўлсанг, яхшилиқ қилишга одатлан.

Балони такобурлик натижаси бил. Ҳамиша сир асровчи бўл. Жафо пеша бўлма. Меъёри билан егин, низоми билан гапиргин. Хушхулқ ва беозор бўл. Бойликни иқбол бил. Кишиларга қаттиқ гапирувчи бўлма.

Ҳамиджон ҲОМИДИЙ таржималари

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

2009 йил 1 апрелдан электр энергияси учун янги тариф ўрнатилди, аҳоли томонидан маиший эҳтиёжлар учун сарф қилинган ҳар бир кВт/соат электр энергияси нархи 62 сўм 20 тийин, ошхонаси электр плиталари билан жиҳозланган уйлар учун эса 31 сўм 10 тийин белгиланди.

Тошкент шаҳар электр тармоқлари ОАЖ

«Mavs Gold Universal» МЧЖга тегишли думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар Хотин-қизлар кўмитаси, Собир Раҳимов туман ҳокимлиги, шаҳар «Маҳалла» жамғармаси Собир Раҳимов туман ҳокимининг ўринбосари Муқаддам Расуловага турмуш ўртоғи Рустам СОБИРОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.



Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4694 нусxada босилади. Қоноз бичими А-2

Нашрини етказиб бериш масалалари буйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамакта» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.

«Шарқ» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмахоноси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 5 6

«АЛГОРИТМ»

ЧЕМПИОНЛИККА ДАЪВОГАР

ГАНДБОЛ БЎЙИЧА ХОТИН-ҚИЗЛАР ЎРТАСИДА ЎТКАЗИЛАЁТГАН МАМЛАКАТ ЧЕМПИОНАТИНИНГ УЧИНЧИ ТУР УЧРАШУВЛАРИ ЯКУНЛАНДИ. АНДИЖОН ШАҲРИ МЕЗБОНИК ҚИЛГАН ЎЙИНЛАРДА ЧЕМПИОНЛИК УЧУН АСОСИЙ ДАЪВОГАР БЎЛГАН ТОШКЕНТНИНГ «АЛГОРИТМ» ЖАМОАСИ Бешта учрашувнинг барчасини ўз фойдасига ҳал қилди. Пойтахтликлар сўнгги беллашувда АСОСИЙ РАЎБОАТЧИЛАРДАН «ОТМК» (ОЛМАЛИК) ЖАМОАСИНИ 33:19 ҲИСОБИДА ЕНГИБ, ЖАМИ ҲАМ ОЧКОНИ ҚўЛГА КИРИТДИ.

Фақатгина пешадамага имкониятни бой берган олмаликлик гандболчилар қолган тўртта учрашувда саккиз очко тўплашди. «ОТМК» жамоаси охириг баҳода «Урганч олимпия заҳиралари спорт коллежи» тарбияланувчиларидан 36:11 ҳисобида устун келди.

Учта учрашувда зафар қўчган «Андижон олимпия заҳиралари спорт коллежи» гандболчилари олти очко билан кучли учликдан жой олган. Андижонликлар «Жиззах олимпия заҳиралари спорт коллежи» вакиллари устидан 27:21 ҳисобида зафар қўчди.

МУСОБАҚА МАРРАГА ЕТДИ

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЙўЛЛАРИ БЎЙЛАБ ЎТКАЗИЛГАН ВЕЛОСПОРТ БЎЙИЧА МАМЛАКАТ ҚИШКИ ОЧИҚ ЧЕМПИОНАТИ ЯКУНЛАНДИ. МУСОБАҚАДА ЎЗБЕКИСТОН, РОССИЯ ВА ҚОЗОҒИСТОНДАН КЕЛГАН СПОРТЧИЛАР ЎЗARO БЕЛЛАШДИ.

Чемпионатнинг сўнгги босқичида велоспортчилар 120 километрга ўтказилган пойгада иштирок этди. Чирчиқлик Мурод Холмуродов маррани биринчи босиб ўтиб, мусобақа голлиби бўлди. Иккинчи ўрин тошкентлик Владимир Тўйчи-

Ушбу турнинг кизиқarli беллашуви икки пойтахт вакили «Пахтакор» — «Локомотив» жамоалари ўртасида келди.

Жорий йилги мавсумда ўз сафини украинлик ва сербиялик чарм тўп усталари Кучеренко ва Петревичлар ҳисобига мустаҳкамлаган «Локомотив» жамоаси бежизга дастлабки турларда галаба нашидасини сурмаганлигини пахтакорчиларга қарши кечган учрашувда яна бир қарра исботлади. Айтиш жоизки, биринчи бўлим тенг курашлар остида ўтди, баъзи вазиятларда, ҳусусан, қарши ҳужумда ҳатто темирйўлчилар бироз устунлик ҳам қилишди. 27-дақиқада жамоадоши бошлаб берилган комбинацияни Умарзоков муваффақият билан амалга оширди. Унинг дарвозага йўллаган зарбасини Нестеров қайтаришга оқибат қилди. 1:0. Иккинчи бўлимда эса бутунлай бошқача манзара акс этди. Майдон эгалари мезмонлар дарвозаси томон кетма-кет хавфли ҳужумлар уюштира бошлашди. Бу ўз самарасини берди. Дарко Маркович томонидан анча узоқ масофадан мезмонлар дарвозасига берилган зарба гол билан яқунланди. Хар икки жамоа учрашув охирига қадар вазиятни ўзгартиришга қанчалик ҳаракат қилмасин ўйин 1:1 ҳисобида яқунланди ва чемпионликка даъвогарлардан саналаётган «Пахтакор» муҳим икки очкодан маҳрум бўлди.

ПОЙТАХТ ЖАМОАЛАРИ БЕЛЛАШДИ

ПРОФЕССИОНАЛ ФУТБОЛ ЛИГАСИ ЖАМОАЛАРИ ЎРТАСИДА МАМЛАКАТ XVII МИЛЛИЙ ЧЕМПИОНАТИНИНГ 3-ТУР УЧРАШУВЛАРИ УЮШТИРИЛДИ.

Жорий йилги чемпионатни ҳам кўтаринки руҳда бошлаб ўз мухлисларини қувонтираётган амалдаги чемпион «Бунёдор» ушбу турда яна омад кулиб боқди. Фарғонада «Нефтчи» жамоаси билан куч синашган «Бунёдор» футболчилари яна аjoyиб ўйин намойиш этишди. Майдонда тўп билан эркин муомала қилиш, тўпни жамоадошига аниқ узатиб майдон марказини эгаллаш, рақиб дарвозаси

бўлғач, фақат капкирларда уч-тўрт киши галма-галдан қовлаб туради. Яна бир кичикроқ қозонда (у темир уюққа ўрнатилган бўлиши мумкин) сув қайнатилди. Қайнаган сувдан 12 литрлик челада 50-60 челақ қўйилди. Оловни ёқиб қозонни қавлашга зўр берилди. Олов кучли ёнганда қозон тошади. Шунда қавлаш тезлаштирилади, қозондаги қайнама катта қўмчи билан шопирилади. Шунда ҳам тошаверса қайнаётган сумалак уюқлигини таъдорларга олинди. Олов паясайтирилади. Тошиш тўхтаган, тоғорага олингани қозонга солинади. Яна оловни қўяйтириб, сув қўйиш давом этади. Лекин қавлаш тўхтатилади. Бу кўпчиликнинг иши эканлиги шу ўринда сезилди. Шу аснода 16-17 соат тўхтовсиз қавланади. Кейин ўюқдаги олов устига тўпроқ ташлаб беркиртилади, қозоннинг оғзига тўртта соли узоқ вақт қўйилди. Унинг устига тоза уюқ дамқолганга буст дастурхонга ёпилади. Унинг устидан фанер ёки тахтадан ясалган қопқоқ ёпилади. Агар газмол қуймасин деб, фанер ёки тўнқа ёпилса, у терлаб ундан қозон ичига сув томади. Шунинг учун намликни ютадиган латта, газмол ёпилади. Қозон 2-3 соат димланган, устини очиб, капкирда аралаштириб «сумалак тайёр» деб сузилади.

Йўлдаш МАНСУРОВ, Чилчон тўғанидаги «Дўмбробод» маҳалласи фахрийлар кенгаши раиси

ҲОИДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР

●Биллур (хрустал) гулдандаги доғни сирка ёки туз билан артиб тозалаш мумкин. ●Мебелдаги ёғ доғларини бензин билан яхшилаб артсангиз, кетади. ●Чарм билан қопланган мебеллардаги доғни сирка ва аралашмаси билан артиб кетказса бўлади. ●Узоқ ишлатилмаган термос ичига ноҳуш ҳид ўтириб қолади. Бунинг чораси оддий — термосга бир бўлак қанд солиб қўйинг. У булқаб хидларни ўзига сингдириб олади. ●Пиширган пирогингиз товасга ёпишиб, уни тушира олмаётган бўлсангиз ташвишланманг. Товани бир-икки дақиқа сувга қўйиб туринг. Пирогингиз осон кўчади. ●Пирог пишираётганингизда газ печи эшигини қарсилатиб ёпа кўрманг. Акс ҳолда кўтарилаётган пирог «ўтириб» қолиши мумкин. ●Торт ва пирожнийга ёнғоқ қўшмоқчи бўлсангиз, уни олдин газ печиде қиздириб олгангиз маъқул. Шунда пишириқ янада хушбўй бўлади. ●Еғоч, елим дастали санчки ва пичокларни ювгандан кейин

дарҳол қуриғунча артинг. Уларнинг нам қўлида қолдириб бўлмайдиган, қорайиб қолиши мумкин.

КУПИРОЗ НИМА?

Купирознинг соғуқ ҳавосида айрим одамларда ёнқоқларда ва бурун устида қизил томичалар пайдо бўлиб, узоқ вақт тус олиши мумкин. Айниқса, термос таъсирчан одамларда қизил қочмади. Бу ҳолат шифокорлар тилида купироз дейилади. Купироздан уй шароитида ҳам қутулса бўлади. Бунинг учун: ●Юзи қизарадиганлар илиқ сувда ювинганлари маъқул. ●Пардоз воситаларида спирт, алоқ, аэлий мойи бўлмаслиги лозим. Бундай воситалар юз терисини қуритади. ●Таъсирчан терини тозалаш учун ҳафтада бир марта гил тўпроқдан фойдаланиш керак. ●Мойчечак дамламасига 2 дона аскорутин таблеткасини аралаштириш ва у билан қунига бир неча марта юзингизни артинг. ●Соғуқ кунда қўнға чикишдан олдин никоб суртинг. Бундан никоб ўсимлик мойига қрамал қўшиб тайёрланади (2 ошқоқик ёғга 1 чайқоқик қрамал).